

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022. Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

ҲАКИМОВ АБДУМУРОД ЭСИРГАП ЎҒЛИ

**ЎРТА ТОЛАЛИ ЎЗФА-711 ҒЎЗА НАВИНИНГ АЙРИМ ҚИММАТЛИ
ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ
БАРҚАРОРЛИГИНИ САҚЛАШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ**

06.01.05 - Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича диссертация
химоясиз селекция ютуғи (ихтиро патенти) асосида қишлоқ хўжалиги
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун

ТАҚДИМОТИ

Илмий раҳбар:

б.ф.д., катта илмий ходим О.Эргашев

ТОШКЕНТ–2024

МУНДАРИЖА

Т/р	Ҳужжатларнинг номи	Вароқлар сони	Саҳифалари
1	КИРИШ (тақдимот (ихтиро патенти)нинг аннотацияси).	8	3-11
2	Тадқиқотнинг асосий мазмуни	27	12-39
3	Л-53 тизмасининг морфо-хўжалик ва тола сифати кўрсаткичлари бўйича таҳлиллар.	4	12-16
4	Ўрта толали ғўзанинг янги ЎзФА-711 навининг яратилиши босқичлари	2	17-18
5	ЎзФА-711 навининг қисқача тавсифи	1	18
6	ЎзФА-711 навининг морфо-хўжалик ва тола сифати кўрсаткичлари бўйича таҳлиллар.	1	19
7	Ихтиро патентининг янгилиги.	1	34
8	Ихтиро патентининг фарқлиги.	1	34
9	Ихтиро патентининг турдошлиги.	1	34
10	Ихтиро патентининг барқарорлиги.	1	35
11	ЎзФА-711 навини жорий этишдан олинadиган иқтисодий самарадорлик.	1	36
12	Хулосалар	2	37-38
13	Эълон қилинган ишлар рўйхати	2	39
14	Иловалар	20	41-60

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) селекция ютуғи (ихтиро патенти) тақдимотининг аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё давлатларида пахтачиликнинг юксалиши ҳамда соҳада олиб бориладиган селекция ишлари кишлоқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга. 2023 йилда жаҳон бўйлаб пахта хом-ашёси етиштириш ҳажми 25 миллион тоннадан ошди. Ушбу кўрсаткич ҳар йили ортиб бормоқда. Ҳозирда 75 дан ортиқ мамлакатларда ғўза ҳосили етиштирилиб, уларнинг аксарияти ривожланиб бораётган давлатлардир. Шу билан бирга сўнги йилларда юз бераётган глобал иқлим ўзгаришлари сабабли ғўза майдонларидаги ўсимликларга ушбу вазиятнинг кўплаб салбий таъсир этиши ҳолатлари кузатилаётганлиги ҳамда ҳар йили турли климатик омиллар туфайли 10-20 % ғўза ҳосили йўқотилаётганлиги сабабли ҳам бу борадаги илмий тадқиқотларни ҳар бир минтақада мавжуд бўлган тупроқ ва иқлим шароитларида амалга ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ғўза селекциясини янада ривожлантириш учун янги навларни яратиш ишларини барқарор равишда изчил ривожлантириш, муҳим хўжалик кўрсаткичларининг ижобий уйғунлигига эга бўлган генотипларни ажратиш асосида барқарор ҳосилдорлик билан бир қаторда юқори тола чиқими ва сифатига эришиш, мазкур жараёнларда классик генетика ва селекция билан бир қаторда замонавий услублардан кенг фойдаланиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ғўза ўсимлигининг пахта ҳосилини мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, ушбу ўсимликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг турли тупроқ ва иқлим ҳамда экологик шароитларга мослашувчанлигини оширишга қаратилган изланишларни жадал амалга ошириш асосида эртапишар, ҳосилдор ва толаси сифатли бўлган ғўза навларини яратиш келажакда Республикаимизнинг пахтачилик соҳасида ҳам минтақавий ҳам халқаро миқёсдаги рақобатдошлигини оширишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»¹, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратadbирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устивор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда З.Ю.Мақсудов, С.М.Мираҳмедов, В.А.Автономов, С.С.Содиқов, О.Ж.Жалилов, А.А.Абдуллаев, И.Т.Қаҳҳоров, Ш.Э.Намозов ва бошқа бир қатор селекционер олимларнинг узоқ йиллик изланишлари натижасида ғўзанинг турли тупроқ ва иқлим шароитларига мослашган, ҳосилдор табиатнинг турли стресс омиллари таъсирига нисбатан бардошли генотипларини ажратиб олишнинг аҳамияти ва истиқболлари бўйича қимматли маълумотлар жамланган бўлиб, ушбу тадқиқотлар асосида юқори ҳосилдорлик ва мослашувчанликка эга янги ғўза навлари яратилган.

Ўрта толали ғўза навлари ва турларни дурагайлаш ва танлаш усуллари кўллаб С.М.Мираҳмедов қатор Тошкент, Жалилов О.Ж. - Юлдуз, Меҳнат, Автономов Вад.А. - С-6524, Наманган-77, Баталов А. - Бухоро-6, С.С.Содиқов – АН-Баяут-2, Ш.Намозов – Султон, Болгарияда М.Божинов тезпишар бир қатор Болгария навлари (Чирпан, 146 ва бошқ.)ни яратишган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 7 февраль 2017 йил № ПФ-4947 сонли фармони.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида улар томонидан кўплаб бошланғич шаклларнинг донорлик хусусиятлари, генотипининг сифат таркиби ва белгиларининг мослашувчанлик доираси ёритилган. Лекин ажратилган ғўза дурагайларининг бир неча авлод ўсимликларида муҳим морфо-хўжалик белгилари бўйича шаклланиб бориши, барқарорлашувини назорат қилиб бориш бўйича изланишлар етарли даражада олиб борилмаган.

Тадқиқот мавзусининг илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Изланишлар ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг илмий ишлари режалари билан боғлиқ бўлиб, №АТД ФА-А8-Т018 “Ўзанинг янги тизмалари ва навларининг наводорлигини таъминлаш, сара уруғлик чигитини етиштириш ва жорий этиш” (2015-2017 йй.) ва №ФА-А-ҚХ-2018-26 “Ўзанинг *G. hirsutum* L. турининг янги нав ва тизмалари популяцияларини турғунлигини сақланиши жараёнларини ўрганиш, наводор, оригинал ва элита уруғлик етиштириш” (2018-2019 йй.) амалий лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади ўрта толали ғўзанинг “ЎзФА-711” навининг муҳим хўжалик белгилари кўрсаткичларининг бир неча авлод ўсимликларида барқарорлиги ҳамда унинг сақланиши жараёнларини таҳлил қилиб бориш, наводорлиги юқори бўлган сара уруғлик чигитларини етиштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари куйидагилардан иборат:

- *G. hirsutum* L. нинг Л-53 линиясига хос бўлган муҳим морфо-хўжалик белгиларини такомиллаштириш асосида яратилган ЎзФА-711 навининг бир неча авлод ўсимликларида кўрсаткичлар бўйича генотип барқарорлигининг сақланиши жараёнларини таҳлил қилиб бориш;

- янги яратилган ўрта толали ғўзанинг ЎзФА-711 нави бўйича амалга оширилган илмий кузатувлар ва статистик таҳлиллар асосида генотипнинг популяцион имкониятларини аниқлаш;

- ЎзФА-711 навининг турли йилларда ташкил қилинган уруғчиликка асосланган майдонларида дала кўрикларини ўтказиш, вегетация сўнгида якка ва ялли танлаш услубларини қўллаш асосида наводорлигини сақлаш;

- ғўзанинг янги ЎзФА-711 навига Интеллектуал мулк агентлигига талабнома расмийлаштириш ва патент олиш;

- янги яратилган ЎзФА-711 навини турли тупроқ-иклим шароитларида экилиб парваришланганида ҳосилдорлик кўрсаткичларининг намоён бўлиши жараёнларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- ЎзФА-711 навининг наводорлиги юқори ва сара уруғлик чигитларини Республиканинг кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши тизимида жорий этиш.

Тадқиқот объекти сифатида ўрта толали ғўзанинг ЎзФА-711 навига хос бўлган уруғлик чигитлари ва ўсимликларидан, андоза нав сифатида эса Наманган-77 ва С-6524 навидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ўрта толали ғўзанинг ЎзФА-711 навига хос бўлган ўсимликларининг муҳим хўжалик белгилари бўйича барқарорлигини бир неча авлод ўсимликларида намоён бўлган кўрсаткичларини асосида аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида дала тажрибалари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмаси асосида, туричи ўсимликларни чатиштириш селекциянинг дурагайлаш услубида, тизмаларнинг морфоҳўжалик белгиларини таҳлил қилиш селекциянинг танлаш ва генетиканинг популяцион таҳлил услублари асосида, нав синови «Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», уруғларни тайёрлаш «Элита ва биринчи репродукция уруғларини ишлаб чиқариш бўйича йўриқнома» услубий қўлланмалари асосида олиб борилиб, толанинг сифат кўрсаткичлари «Сифат» маркази лабораториясида НВИ тизимида таҳлил қилинган ва олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг дисперсион услуби асосида амалган оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- илк бор ғўзанинг Л-53 линиясига хос бўлган бир неча авлод популяциялари устида олиб борилган мақсадли кўп мартали танлаш услуби асосида “ЎзФА-711” нави яратилган;

- мақсадли олиб борилган селекцион уруғчилик ишлари натижасида ғўзанинг янги “ЎзФА-711” нави популяцияси фенотипик текисланган, уруғлик чигити сифат кўрсаткичлари - О‘zDSt 633:2006, морфоҳўжалик белгилари софлиги - О‘zDSt 1110:2006 ва толасининг сифат кўрсаткичлари - О‘zDSt 604:2001 талаблари даражасига келтирилган;

- ғўзанинг “ЎзФА-711” навида морфологик белгиларнинг бир хиллиги ва хўжалик аҳамиятига эга кўрсаткичларининг юқори бўлиши ирсий жиҳатдан таъминланганлиги аниқланган ҳамда кейинги авлодларда сақлаб туришга эришилган;

- ғўзанинг “ЎзФА-711” навини Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида экилиб, парваришланганида муҳим морфо-хўжалик белгиларининг намоён бўлиши қиёсий таҳлил қилиш натижасида ғўза навининг селекцион имкониятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ғўзанинг Л-53 тизмасининг бир неча авлод популяциялари устида олиб борилган узоқ йиллик танлов ишлари асосида янги хусусиятларни генотипда мужассам этган, ҳосилдор, Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида ўстирилганида андоза навларига нисбатан қимматли хўжалик кўрсаткичларини ижобий ҳолатда (Ўсув даври 115-118 кун, бош пояси баландлиги 100-105 см, ҳосилдорлиги 35-45 ц/га, бир кўсакдаги пахта вазни 5,5-6,0 гр, 1000 дона чигит вазни 118-120 гр, тола чиқими 38,0-39,0 %, тола узунлиги 34,0-34,5 мм, тола типи IV, микронеири 4,1-4,4) намоён этадиган ЎзФА-711 нави яратилган ва № NAP 00353 рақамли патент олинган;

тадқиқотлар давомида янги ғўза навига хос хўжалик аҳамиятига эга белгиларнинг кўрсаткичларини сақлаган ҳолда навдорлиги юқори бўлган супер элита ва элита уруғлик чигитлари етиштиришга ҳамда қимматли

морфоҳўжалик белгилари бўйича популяциянинг барқарорлигини сақлаб туришга эришилган;

тадқиқотлар натижасида яратилган янги “ЎзФА-711” нави 2022-йилда институтнинг Зангиота илмий тажриба базасида уруғ кўпайтириш учун янги нав сифатида экилиб, ўстирилган популяцияларининг ўсимликларидан 530 дона якка танлов ва 70 дона оилавий ва 600 кг навдорлиги юқори оригинал уруғлар дастлабки элита уруғларини кўпайтириш мақсадида териб олинган;

Ўзанинг янги “ЎзФА-711” нави 2023-йилда институтнинг Дўрмон илмий тажриба базасида уруғ кўпайтириш учун экилиб, 530 дона якка танлов ва 56 дона оилавий терим намуналари ҳамда 500 кг навдорлиги юқори оригинал уруғлар дастлабки элита уруғларини кўпайтириш мақсадида териб олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти томонидан тузилган Услубий ва махсус апробация комиссияси хулосаларига кўра ижобий баҳоланганлиги ва бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, маълумотларнинг назарий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мос келиши, илмий тадқиқот ишларининг статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, натижаларни амалиётга кенг жорий этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрта толали ғўзанинг ЎзФА-711 навига хос бўлган ўсимликларининг морфобиологик ва қимматли-хўжалик белгилари кўрсаткичлари бўйича баҳоланганлиги ҳамда тавсифланганлиги, тадқиқот натижаларини рақамлаштириш асосида электрон маълумотлар базасига киритилганлиги, комплекс ўрганиш асосида ғўза селекциясининг турли йўналишлари учун қимматли-хўжалик белги ва хусусиятларига эга, эрта ва ўртапишар, касалликларга чидамли, ҳосилдор, толаси IV саноат типли ва

юқори чиқимига эга бўлган шаклининг ажратиб олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тезпишарлиги 110-115 кун, ҳосилдорлиги 35,5-45,5 ц/га, бир дона кўсақдаги пахта хом ашёсининг вазни 5,5-6,0 гр, тола чиқими 38,0-39,0%, толанинг юқори ўртача узунлиги 1,21 дюйм, толанинг солиштирма узулиш кучи 30,4 гк/текс, микронейр кўрсаткичи 4,1-4,4 тола сифати IV-типга мансуб ўрта толали ғўзанинг “ЎзФА-711” нави яратилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришда экилиб, ўртача 42,3 ц/га ҳосил олинганлиги, районлашган навларга нисбатан ҳосилдорлиги 4,9-5,2 ц/га ва тола чиқими 2-3% юқорилиги, тола сифати IV-типга мансублиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ўрта толали ЎзФА-711 ғўза навининг айрим қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичларининг барқарорлигини сақлаш ва жорий этиш бо‘йича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ғўзанинг туричи (*G. hirsutum* L.) шакллари (Л-9 х Л-38) дурагайлашдан олинган Л-53 тизмаси асосида янги ЎзФА-711 нави (№ NAR 00353) яратилиб, амалиётга жорий этилган (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024 йил 28 майдаги № 05/04-04-215-сонли маълумотномаси*). Натижада, ғўза генофонди тезпишар, ҳосилдор, толасининг сифати ва чиқими юқори бўлган янги нав билан янада бойитилган;

ғўзанинг янги “ЎзФА-711” нави ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Фарғона вилояти Бағдод туманидаги “Фарғона” филиалида ташкил этилган янги навларнинг уруғларини дастлабки кўпайтириш элита уруғчилик хўжалигида дастлабки уруғлик чигитини кўпайтириш учун 1,0 гектар майдонда жорий этилган (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024 йил 28 майдаги № 05/04-04-*

215-сонли маълумотномаси). Натижада, мазкур янги ғўза навининг Фарғона вилояти иқлим шароитларига мослашувчанликни намоён этган ўсимликлари асосида сара уруғлик чигитлари етиштирилган;

ғўзанинг янги “ЎзФА-711” нави 2022-йилда ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Зангиота илмий тажриба базасида 1,0 гектар майдонда уруғ кўпайтириш учун жорий этилган (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024 йил 28 майдаги № 05/04-04-215-сонли маълумотномаси*). Натижада, мазкур ғўза навининг Тошкент вилояти иқлим шароитига мослашувчанликни намоён этган ўсимликлари асосида 530 дона якка ва 70 дона оилавий танлов намуналари териб олинган ҳамда 600 кг сара уруғлик етиштирилган;

ғўзанинг янги “ЎзФА-711” нави 2023-йилда Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида синов учун 5 гектар майдонда жорий этилган (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024 йил 28 майдаги № 05/04-04-215-сонли маълумотномаси*). Натижада, мазкур ғўза навидан 42,3 ц/га ҳосилдорликка эришилиб, андоза Бухоро-102 навиға нисбатан 5,2 ц/га юқори ҳосил етиштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг махсус тузилган апробация комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган ҳамда республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида 4 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда жами 6 та илмий мақола, шу жумладан 5 та республика ва 1 та халқаро журналларда нашр этирилган.

ТАҚДИМОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Л-53 тизмасининг морфо-хўжалик ва тола сифати кўрсаткичлари

бўйича таҳлиллар

Қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, ғўза ўсимлигининг селекцияси ҳамда уруғчилиги борасидаги тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий изланишлардан олинган натижа ва келинган хулосалардан маълум бўладики, ҳар бир мамлакатда фаолият олиб бораётган селекционер олимлар тарафидан қўлланиладиган танлаш усуллари маҳаллий тупроқ ҳамда иқлим, об-ҳаво сингари бир қатор шарт-шароитлари, қолаверса, айти минтақани ривожлантириш бўйича давлат томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий дастурларга монанд равишда бажарилиши керак. Шунга кўра, ғўза ўсимлиги янги навларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши амалиётига кенг жорий этишда генотипларни турли географик жойларда баҳолаш ва уларнинг айти худудларда парваришланган популяцияларида намоён бўладиган белгилар бўйича ўзгарувчанлик ҳамда генотипик мослашувчанлик қобилиятларини аниқлаш селекционерлар учун асосий мақсадлардан бири бўлиб саналади.

Ўзанинг интрогрессив тизмалари асосида ажратилган, бир қатор ижобий хусусиятларнинг уйғунлигини ўз генотипида мужассам этган янги нав ва дурагайлари яратишда юқори ҳосилдорлик ҳамда тола сифати кўрсаткичларига кўра иқтисодий самарадорликни таъминлашга эътибор қаратилади. Шунингдек, белгилар бўйича популяциянинг таркибий жиҳатдан юқори кўрсаткичлари гомеостаз ҳолатига эришган шаклларни яратиш ва экиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятни касб эттиради.

Қишлоқ хўжалигининг кўплаб асосий экинлари қатори ғўза селекцияси жараёнларида ҳам ҳар бир ғўза нави дурагайлаш, аналитик, молекуляр ва бошқа селекцион услубларни қўллаш негизида ажратиб олинган янги ўсимлик оилаларидан бир неча йил давомида дала ва лаборатория шароитида танлаш ҳамда чиқитга чиқариш йўли билан шакллантирилади. Ушбу жараёнларда оилалар аввал тизмаларга, тизмалар эса навлар даражасига етгунига қадар такомиллаштирилиб борилади. Белгиларнинг кўрсаткичлари

бўйича бир неча йиллар давомида кескин ўзгарувчанликни намоён этмаганлиги аниқланганидан кейин янги нав даражасида ҳисобланади.

Ғўза бўйича тадқиқотларда белгиларнинг ўзаро алоқасини аниқлаш ва уларнинг бир-бирига таъсирини ҳисобга олиш муҳимдир. Бу айниқса, хўжалик учун муҳим аҳамиятли белгиларнинг шакллантирилишида алоҳида аҳамиятга моликдир. Агар хўжалик учун зарур эътиборли бўлган белгилар ўзаро салбий боғланган бўлса, тадқиқотчилар ушбу кўрсаткичларнинг оптимал даражада биргаликдаги мувозанат ҳолатида ривожланишини таъминлашга интиладилар. Шунингдек, тадқиқотлар давомида генетик омиллар билан бирга, экологик шарт-шароитларнинг таъсири ҳам диққатга олинади, бу белгиларнинг мувозанатини сақлаш ва хўжалик учун юқори самарадорликка эришиш имконини беради. Мазкур мақсадларга эришиш йўлида селекционерлар ва агрономлар ҳар бир навнинг ўзига хос бўлган белгиларининг намоён бўлишидаги ўзаро алоқасини ва мувозанатини ўрганиш орқали хўжалик самарадорлигини оширишга интиладилар.

1-жадвал

Ғўза тизмаларида морфо-хўжалик белгиларининг дастлабки кўрсаткичлари.

Тр.	Линиялар	Ўсув даври (кун)	Бош поя баландлиги (см)	Ҳосил шоҳлари сони (дона)	Бир дона ўсимликдаги кўсақлар сони (дона)
1	Л-53	116±0,9	110±0,7	18±0,75	19±0,80
2	Л-1305	116±0,9	110±0,7	18±0,80	17±0,85
3	Л-265	120±0,9	120±0,9	17±0,82	16±0,80
4	Л-417	116±0,5	110±0,6	17±0,35	19±0,60
5	Л-500	115±0,6	105±0,5	16±0,47	18±0,63
6	Л-Elastik	118±0,8	120±0,8	16±0,80	17±0,75

Л-53 линиясига хос бўлган ўсимликларнинг вегетация даври, бош поясининг баландлиги, ҳосил шохлари ҳамда кўсақлари сони бўйича юқори кўрсаткичларни акс эттирганлиги аниқланди. Мазкур линиянинг ўсиш даври $116 \pm 0,90$ кун бўлиб, ушбу генотипни бошқа линиялар билан таққослаганда ўртача ўсиш даври билан ажралиб туради. Бош поя баландлиги эса $110 \pm 0,70$ см. ни ташкил этган. Ҳосил шохлари сони $18 \pm 0,75$ дона бўлиб, мазкур белги кўрсаткичларининг юқори ҳолатда намоён бўлиши индивидларнинг ҳосил элементларини кўпайишига ижобий таъсир этиши маълум. Бир ўсимликдаги жами кўсақлар сони $19 \pm 0,80$ дона бўлиб, бу маълумотлар таҳлилдаги линиянинг юқори ҳосил бериш хусусиятига эга эканлигини англатади.

Парваришланган ғўза тизмаларида намоён бўлган муҳим морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичлари статистик таҳлил қилинганида маълум бўлдики, Л-53 линияси ўзининг юқори ҳосилдорлиги ва мақбул ўсиш даври билан бошқа генотипларга нисбатан ажралиб туради. Чунки, ўсув даври ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳар қандай экин тури учун энг аҳамиятли жиҳат ҳисобланади. Мазкур линияда кўсақлар сони кўрсаткичлари бошқа ашёларга қиёслаганда энг кўп эканлиги унинг юқори ҳосил бериш имкониятини оширади.

Шунинг учун, ушбу линия келажакдаги селекция ишлари ва уруғлик этиштиришда асосий андоза сифатида танланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Синаб кўрилган бошқа линиялардан Л-1305, Л-265, Л-417, Л-500 ва Л-Еластик сингари генотиплар ўзларининг ўсиш даври ва бошқа агрономик кўрсаткичлари бўйича бир-биридан турлича фарқланишларга эга. Масалан, Л-1305 ва Л-417 линияларининг ўсиш даври ва бош поя баландлиги бир-бирига яқин бўлсада, ҳосил шохлари сони 17 дона бўлиб, бу линиялар ўртача ҳосилдорликка эга экан деган хулосага келишимизга асос бўлади. Л-265 линияси эса ўсиш даври жиҳатидан энг узоқ (120 кун) бўлиб, бош поя баландлиги юқори (120 см), лекин ҳосил шохлари ва кўсақлар сони нисбатан пастроқ кўрсаткичлар билан турлангани аниқланди.

Л-500 ва Л-Еластик линиялари ҳам ҳосил шохлар ва кўсаклари сони бўйича Л-53 линиясига таққослаганда нисбатан паст кўрсаткичлар билан фарқланган.

2-жадвал

Вўза намуналарида қимматли-хўжалик белгиларининг дастлабки кўрсаткичлари.

№	Линиялар	Хўжалик белгилари								
		Бир кўсадаги пахта вазни, гр			Тола чиқими, %			Тола узунлиги, мм		
		$X \pm m$	σ	v	$X \pm m$	σ	v	$X \pm m$	σ	v
1	Л-53	6,44±0,14	0,93	14,51	38,9±0,30	2,00	5,14	34,5±0,22	1,48	4,30
2	Л-1305	6.10±0.13	0.85	13.95	39.9±0.54	3.59	9.00	34.0±0.09	0.60	0.75
3	Л-265	5.83±0.10	0.63	10.83	38.5±0.46	3.07	7.97	34.1±0.09	0.58	1.71
4	Л-417	5,98±0.11	0.73	12.20	37,0±0.86	5.72	5.43	35,4±0.08	0.50	1.41
5	Л-500	6.02±0.13	0.85	14.08	38.9±0.28	1.86	4.67	33.9±0.09	0.62	1.84
6	Л-Elastik	5.97±0.12	0.80	13.45	37.8±0.53	3.54	9.37	33.8±0.12	0.81	2.40

2-жадвалда келтирилган маълумотларнинг статистик таҳлиллари шуни кўрсатадики, Л-53 линияси бошқа шаклларга таққослаганда ушбу генотипда бир дона кўсадаги пахта вазни кўрсаткичлари бўйича 6,44±0,14 г. да намоён бўлганлигига кўра, бошқа шакллар билан таққослаганда юқори натижаларни кўрсатади. Таҳлилдаги ғўза шаклининг тола чиқими 38,9±0,30 % да намоён бўлганлиги ушбу жиҳат бўйича генотипнинг имкониятлари юқори эканлигини англатади. Белги бўйича популяциянинг вариация коэффициенти 5,14 % ни ташкил этиб, мазкур жиҳат бўйича фақат Л-500 линиясига нисбатан кичик кўрсаткичлар билан салбий, бошқа ашёларга нисбатан эса кичик ва юқори даражада ижобий фарқланишларни намоён этган. Олинган ушбу кўрсаткичлар линиянинг таҳлилдаги белги бўйича барқарор ҳолатга келганлигини ва иқтисодий жиҳатдан самарадорликка қодир эканлигини англатади. Тола узунлиги кўрсаткичлари 34,5±0,22 мм да пайдо бўлиб, ушбу ҳолат генотипнинг тўқимачилик саноати учун ижобий аҳамиятга молик эканлигини билдиради. Дисперсияси (1,48) ва вариация коэффициенти (4,30%) паст бўлиб, мазкур маълумотлар ушбу линиянинг тола узунлиги белгиси бўйича барқарорликка келганлигидан далолат беради.

Л-1305 линиясининг бир кўсакдаги пахта вазни $6,10 \pm 0,13$ г. ва тола чиқимининг $39,9 \pm 0,54$ % эканлиги билан яхши натижаларни кўрсатади. Тола узунлиги $34,0 \pm 0,09$ мм бўлиб, бу линиянинг толалари ўртача узунликда. Дисперсияси ва вариация коэффициенти нисбатан юқори бўлиши, унинг баъзи ўзгарувчанлигини кўрсатади.

Л-265 линиясининг бир кўсакдаги пахта вазн $5,83 \pm 0,10$ г. бўлиб, ушбу линия таҳлилдаги жиҳат бўйича ўртача вазнга эга экан дейишимиз мумкин бўлади. Тола чиқими $38,5 \pm 0,46$ % да юзага чиқиб, ушбу ўртача кўрсаткич, дисперсияси (3,07) ва вариация коэффициенти (7,97 %) нисбатан юқори эканлигини, тола узунлиги эса $34,1 \pm 0,09$ мм. да пайдо бўлиб, ушбу линия ҳам энгил саноат учун ижобий аҳамият касб эттирган ҳолда, ўртача узунликдаги толаларни беради.

Л-417 линиясининг бир дона кўсакдаги пахтаси вазн $5,98 \pm 0,11$ г., тола чиқими $37,0 \pm 0,86$ % ва узунлиги $35,4 \pm 0,08$ мм. да намоён бўлиб, ўртача натижаларни кўрсатади. Дисперсияси ва вариация коэффициенти ҳам бошқа ашёларга нисбатан юқори ҳолатда акс этганлиги ғўзанинг мазкур линиясини муҳим морфо-хўжалик белгилари бўйича ҳали такомиллаштириш ишлари давом эттирилиши зарурлигини англатади.

Л-500 линиясининг бир дона кўсакдаги пахта вазн $6,02 \pm 0,13$ г., тола чиқими $38,9 \pm 0,28$ % ва узунлиги $33,9 \pm 0,09$ мм. да пайдо бўлиб, ушбу генотип ҳам таҳлилдаги белгилар бўйича ижобий натижаларни кўрсатган бўлсада, лекин Л-53 линиясига нисбатан қиёслаганда баъзи кўрсаткичларида ҳали такомиллаштириш ишлари давом эттирилиши кераклигини билдиради.

Л-Еластик линиясининг бир дона кўсакдаги пахта вазни $5,97 \pm 0,12$ г., толасининг чиқими $37,8 \pm 0,53$ % ва узунлиги $33,8 \pm 0,12$ мм. да юзага келганлиги аниқланиб, ушбу генотипнинг тола узунлиги ҳамда чиқими белгиларини такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилиши кераклиги маълум бўлган.

Юқорида келтирилган таҳлилларга асосланиб, шундай қайд этишимиз мумкинки, Л-53 линияси ўзининг юқори тола чиқими ва узунлиги, бир дона

кўсакдаги пахта вазни ҳамда мақбул ўсиш даври билан муҳим селекцион генотип ҳисобланиб, тадқиқотчилар томонидан келгусида ғўза ўсимлигининг янада маҳсулдор бўлган дурагайларини ажратиб олиш мақсадларида олиб бориладиган илмий изланишларда бошланғич манбалардан бири сифатида хизмат қилиши кутилмоқда.

Тадқиқотлар давомида ғўзанинг туричи (*G.hirsutum* L.) шакллари дурагайлаш асосида ажратиб олинган Л-53 тизмасига хос бўлган бир неча авлод популяциялари устида олиб борилган мақсадли қайта-қайта танлаш услублари асосида “ЎзФА-711” нави яратилган.

Ўрта толали ғўзанинг янги ЎзФА-711 навининг яратилиши босқичлари

2008-2009 йиллар	Ғўзанинг туричи Л-9 (<i>G. hirsutum</i> L.) ва Л-38 (<i>G. hirsutum</i> L.) шакллари диаллел усулида дурагайлаш олиб борилиб, дастлабки дурагай ўсимликлар олинди.
2010 йил	F_2 ўсимликларидан 12-сонли оила ажратилиб, аналитик селекция усулида оилавий танловлар ўтказилди.
2014 йил	Ўрта толали ғўзанинг Л - 53 тизмаси шакллантирилди ва тизма даражасида эътироф этилди.
2016 йил	Л-53 тизмаси асосида нав даражасига етган ЎзФА-711 нави институтнинг рақобат нав синови майдонида синалган.
2018 йил	ЎзФА-711 нави тупроқ назорати синовида топширилди ва синовлардан муваффақиятли ўтди.

2019-йил Рақобат синовларидан муваффақиятли ўтган Л-53 тизмаси янги нав сифатида “ЎзФА-711” номи билан Давлат нав синовига топширилди ҳамда 20190024 рақамли талабнома 04.04.2019 йилда олинди.

2021 йил Интеллектуал мулк агентлигидан ўрта толали ғўзанинг янги “ЎзФА-711” навига Нар 00353 рақамли патент 08.11.2021 йилда олинди.

ЎзФА-711 навининг қисқача тавсифи

ЎзФА-711 нави ўзининг толаси чиқими ва узунлиги кўрсаткичлари бўйича андоза навларига нисбатан бир қатор ижобий фарқлари мавжуд. Кўсаклари узун ва йирик бўлиб, ушбу ҳолати ундаги ҳосил миқдори юқори бўлишига имкон яратади. Чаноғининг сони аксарият кўсакларда 5 донада пайдо бўлади. Бу ҳолат эса ҳосилдорлик ва тола чиқими кўрсаткичларини оширади. ЎзФА-711 навининг толаси узун, зич ва силлиқ бўлиб, юқори сифатли ва мустаҳкам бўлади, бу эса ундан ишланадиган маҳсулотларнинг сифатини ижобий бўлишини таъминлайди. Навнинг ўсиши ва ривожланиши кутиладиган ҳосилни ўз вақтида етиштириш ва йиғиб олишга имкон беради.



1-расм. “ЎзФА-711” ғўза нави ўсимлигининг хусусиятлари.

ЎзФА-711 навининг тола сифати ҳамда чиқими кўрсаткичларининг юқорилиги ва ўсимликларнинг самарали ривожланиши уни бошқа навлардан ажратиб туради.

Ўсимликларининг шохланиш типи уларнинг ўсиши ва ривожланиш жараёнида ҳосил элементларини таркибий жиҳатдан ижобий шаклланишини таъминлайди.



2-расм. “ЎзФА-711” ғўза навининг ўсимликларининг шохланиш типи кўриниши.

ЎзФА-711 навининг морфо-хўжалик ва тола сифати кўрсаткичлари бўйича таҳлиллар. ЎзФА-711 навига хос бўлган ўсимликларда шохланиш типи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у ҳосилнинг миқдори ва сифатини яхшилашга хизмат қилади. Шохланиш тури кўпинча ўсимликнинг маҳсулдорлигини оширишда, унинг меваларининг ёки уруғларининг сифатини таъминлашда ва ўсиш шароитларига мослашишда муҳим роль ўйнайди (2-расм).

Ушбу навнинг ўсимликлари пирамида шаклида, бош пояси баландлиги 100-110 см., ўсув шохи 0,5-1,0 та, ҳосил шохлари 1,5-2,0 типга мансуб. Поя ва

шохи кам тукланган, оч яшил рангли. Биринчи ҳосил шохлари 5-6 куртакда пайдо бўлади. Барглари панжасимон, 3-5 бўлаккли, гуллари ва гул косача барглари ўртача катталиқда, антоциан доғлар йўқ. Чангдонлари сарғиш рангли. Илдиз тизими кучли ривожланиш хусусиятига эга бўлиб, ён илдизлари пушталарга тўлиқ тарқалади ва ўқ илдизи тупроқнинг пастки қисмларига чуқур кириб боради.

3-жадвал

ЎзФА-711 навининг хўжалик тола сифати белгилари кўрсаткичлари.

№	Кўрсаткичлар ва ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги	Ўртача
1	Умумий ҳосилдорлиги	ц/га	40,5
2	Совуқ туш гунча бўлган ҳосилдорлиги	ц/га	36,0
3	Тола чиқими	%	39,0
4	Умумий тола ҳосилдорлиги	ц/га	14,0
5	Микронейр		4,3
6	Штапель узунлиги	мм	34,5
7	Нисбий узилиш узунлиги	г/к	4,7
8	Метрик рақами		5970
9	Узулиш узунлиги		28,6
10	Ўсув даври	кун	116
11	1 дона кўсаги вазни	гр	5,8
12	1000 дона чигити вазни	гр	120

Ўза генотипларини селекционерлар томонидан ишлаб чиқаришга тақдим этилишида дастлаб ушбу шаклларнинг мамлакатимизнинг бири-биридан турли тупроқ-иқлим ва экологик жиҳатидан фарқланувчи ҳудудларида синаш асосида қайси минтақада ҳосилдорлик, тола сифати ҳамда муҳим морфо-хўжалик белгиларини қандай ҳолатда намоён қилишини аниқлашга алоҳида аҳамият қаратадилар. Келтириб ўтилган ушбу асосларга кўра, ўрта толали ўзанинг янги яратилган “ЎзФА-711” нави 2019-2021 йилларда республикамизнинг турлича тупроқ ва иқлим шароитларига эга бўлган ҳудудлардаги фаолият юритаётган Давлат нав синаш комиссиясининг шаҳобчаларининг конкурс синов майдонларида синалди (4-жадвал) ва қуйидаги кўрсаткичларни намоён қилди:

ЎзФА-711 навини турли ҳудудларда парваришланганида ҳосилдорлик кўрсаткичларининг намоён бўлиши (2019-2021 йиллар).

№	Ҳудудлар номи	Ҳосилдорлик кўрсаткичлари ц/га.
1	Олтинкўл	39,4 ц/га
2	Шаҳрихон	38,2 ц/га
3	Кўрғонтепа	39,5 ц/га
4	Қорақўл	36,1 ц/га
5	Ғиждувон	39,5 ц/га
6	Пахтакор	31,8 ц/га
7	Шаҳрисабз	36,6 ц/га
8	Хатирчи	41,0 ц/га
9	Қизилтепа	38,8 ц/га
10	Мингбулоқ	39,5 ц/га
11	Уйчи	39,4 ц/га
12	Каттақўрғон	46,8 ц/га
13	Боёвут	43,3 ц/га
14	Бешарик	41,0 ц/га
15	Фарғона	41,4 ц/га

4-жадвал маълумотларидан маълум бўлишича, ўрта толали ғўзанинг “ЎзФА-711” нави Республикамизнинг турли ҳудудларидаги мавжуд тупроқ-иклим шароитларида экилиб, синаб кўрилганида ҳосилдорлик кўрсаткичлари 31,8 ц/га (Пахтакорда) дан 46,8 ц/га (Каттақўрғонда) гачани акс эттирган.

Таҳлил этилаётган тадқиқот ашёсининг 2016-2022 йилларда экилиб, ўстирилган етти авлод популяцияларига хос бўлган ўсимликларида муҳим хўжалик белгилари яъни бир кўсақдаги пахта вазни, тола чиқими ва узунлиги кўрсаткичларини акс эттирувчи маълумотлари қуйидаги жадвалларда келтирилган:

Бир кўсақдаги пахта вазни белгиси ҳар қандай ғўза дурагайлари учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу белги мазкур ўсимлик популяцияларининг ҳосилдорлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. умумий ўртача кўрсаткичлари мазкур ўсимликнинг алоҳида эътиборли жиҳатларидан бири ҳисобланади.


Бир дона кўсақдаги пахта вазни (г.) кўрсаткичларининг етти авлод ўсимликларида намоён бўлиши

№	Йиллар	Наманган-77 (1-андоза)			С-6524 (2-андоза)			ЎзФА-711		
		$X \pm m$	σ	v	$X \pm m$	Σ	v	$X \pm m$	σ	v
1	2	3	4	5	6	7	8	6	7	8
2	2016	5,52±0,10	0,64	11,67	5.92±0.11	0.69	11.12	5,70±0,14	0,90	15,84
3	2017	5,60±0,09	0,61	10,81	5.80±0.09	0.60	10.95	6,44±0,14	0,93	14,51
4	2018	5,86±0,10	0,66	11,24	5.85±0.08	0.51	10.12	5,90±0,13	0,84	14,18
5	2019	5,66±0,10	0,64	11,30	5.79±0.08	0.52	10.14	5,74±0,11	0,70	12,35
6	2020	5,60±0,10	0,63	11,32	5.80±0.07	0.47	8.15	5,80±0,09	0,59	9,81
7	2021	5,40±0,09	0,62	11,55	5.69±0.09	0.61	10.79	5,50±0,08	0,55	10,04
8	2022	5,20±0,08	0,56	10,75	5.82±0.10	0.64	10.92	6,30±0,10	0,65	10,35

5-жадвалга кўра, андоза сифатида олинган Наманган-77 ва С-6524 навларининг бир кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичларида таҳлил этилган етти йил давомида кескин ўзгаришлар содир бўлмаган. Ўрганилган белги бўйича популяциянинг ўзгарувчанлик кўламида ҳам сезиларли фарқланишлар кузатилмаган.

ЎзФА-711 навининг бир дона кўсақдаги пахта вазни белгисида 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 0,74 г. кўтарилиш кузатилган бўлса, 2018 йилда ушбу кўрсаткичлар 0,54 г. га пасайган. 2019 йилда кўрсаткичлар 2018 йилга караганда 0,16 г. га, 2020 йилда ўтган йилга нисбатан 0,06 г., 2021 йилда 2020 йилга қиёслаганда 0,30 г., 2022 йилда эса 2021 йилдаги натижаларга таққослаганда 0,80 г. га фарқлангани намоён бўлган. Таҳлил этилган барча йиллар бўйича кўрсаткичларнинг пастга ва баландга тебраниши чегараси 5,50 – 6,44 г. оралиғида бўлгани ва йиллар орасидаги фарқланишнинг 1 г. га етмаганлиги худди андоза нави сингари ушбу навнинг таҳлил этилган белгиси кўрсаткичларида барқарорликнинг мавжудлигини билдиради. Белги бўйича популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами 2016 йилдан кейинги йиллар давомида пасайиб боргани ва сўнги икки йилда деярли бир хил маълумотларни акс эттиргани ушбу навнинг бир неча авлод ўсимликлари устида олиб борилган селекцион уруғчилик ишларининг тўғри амалга оширилганлигининг самараси дейиш мумкин.

Маълумотларнинг таҳлилий натижаларига кўра, ЎзФА-711 навининг айрим хўжалик учун муҳим белгиларининг барқарорлигини сақлаганлиги ва яхшилангани қуйидаги диаграммадан маълум бўлади (3-расм):



3-расм. “ЎзФА-711” ғўза навини бир дона кўсақ оғирлиги кўрсаткичлари.

Ғўзанинг ЎзФА-711 навининг бир дона кўсақдаги пахта вазнини андоза Наманган-77 ва С-6524 навлари билан таққослаб, таҳлил қилинганида олинган натижалар ҳар бир навнинг таҳлилдаги белги кўрсаткичлари бўйича барқарорлигининг сақланганлигини билдиради.

б-жадвал

Бир дона кўсақдаги пахта вазни (г.) кўрсаткичларини намоён бўлиши

бир дона кўсақдаги пахта (2016-2022 йиллар)			
Йиллар	Наманган-77 с/т	С-6524 с/т навининг бир	ЎзФА-711
2016 йил	5,52 г.	5,92 г.	5,7 г.
2017 йил	5,6 (йиллик ўсиш: +0,08)	5,8 (йиллик камайиш: -0,12)	6,44 (йиллик ўсиш: +0,74)
2018 йил	5,86 (йиллик ўсиш: +0,26)	5,85 (йиллик камайиш: -0,05)	5,9 (йиллик камайиш: -0,54)
2019 йил	5,66 (йиллик камайиш: -0,2)	5,79 (йиллик камайиш: -0,06)	5,74 (йиллик камайиш: -0,16)
2020 йил	5,6 (йиллик ўзгариш: 0)	5,8 (йиллик ўзгариш: 0)	5,8 (йиллик ўзгариш: +0,06)
2021 йил	5,4 (йиллик камайиш: -0,2)	5,69 (йиллик камайиш: -0,11)	5,5 (йиллик камайиш: -0,3)
2022 йил	5,2 (йиллик камайиш: -0,2)	5,82 (йиллик ўсиш: +0,13)	6,3 (йиллик ўсиш: +0,8)

Андоза Наманган-77 навининг 2016-2022 йиллар давомида бир дона кўсақдаги пахтаси вазни пасайиш жараёнларини кўрсатади. 2016 йилдан 2022

йилгача қиймат 5,52 дан 5,2 га камайган, бу -0,32 ўзгаришни англатади. 2017-2022 йиллар орасида фақат 2018 йилда кичик ўсиш (0,26) кузатилган, қолган йилларда ўсишнинг камайиши белгининг барқарор эканлигини англатади.

Андоза С-6524 навининг 2016-2022 йиллар давомида бир дона кўсақдаги пахтаси вазни кичик фарқланишлар билан тебранишлар аниқланган. Умуман олганда, 2017 йилдан 2021 йилгача навда камайиш кузатилган (умумий пасайиш: -0,1), лекин бу камайиш паст даражали бўлиб, фақат 2022 йил натижасида нисбатан ошиши кузатилди.

ЎзФА-711 навининг бир дона кўсақдаги пахтаси вазни 2016 йилда 5,7 бўлиб, 2017 йилда 6,44 га кўтарилган ва бу йиллик ўсишнинг энг юқори кўрсаткичи (+0,74) бўлган. Шундан кейин ўзгаришлар кўпроқ барқарор бўлган, 2022 йилда эса 6,3 га етган (+0,8).

ЎзФА-711 навининг ўсиш кўрсаткичлари доимий равишда яхшиланган, бўлиб, ушбу ҳолат навнинг генетик потенциали юқори эканлигини ва яхши селекция ишлари амалга оширилганини кўрсатади.



4-расм. Бир дона кўсақнинг пахта оғирлиги таҳлил қилинмоқда.

Ѓўза навларининг популяцияларидан йиғиб олинган пахта ҳосилидан келадиган даромаднинг асосий қисми унинг толаси ҳисобига тўғри келиши барчага маълум. “ЎзФА-711” ғўза навининг тола чиқими белгиси кўрсаткичларини бир неча авлод ўсимликларида барқарорлигини сақлаб туриш борасида амалга оширилган ишлардан олинган маълумотлар қуйидаги 7-жадвалда акс этган:

7-жадвал


Тола чиқими (%) кўрсаткичларининг етти авлод ўсимликларида намоён бўлиши

№	Йиллар	Наманган-77 (1-андоза)			С-6524 (2-андоза)			ЎзФА-711		
		X ± m	σ	v	X ± m	σ	v	X ± m	σ	v
1	2	3	4	5	6	7	8	6	7	8
2	2016	37,9±0,28	1,84	4,85	34,2±0,30	2,10	6,30	38,9±0,30	2,00	5,14
3	2017	38,4±0,27	1,81	4,70	34,1±0,29	1,90	5,40	39,2±0,28	1,82	4,64
4	2018	38,2±0,25	1,67	4,36	34,2±0,27	1,80	5,25	38,8±0,26	1,75	4,50
5	2019	38,9±0,30	2,01	5,17	34,3±0,26	1,70	4,76	38,9±0,24	1,60	4,12
6	2020	38,7±0,28	1,83	4,73	34,6±0,28	1,85	5,34	38,8±0,25	1,66	4,28
7	2021	38,5±0,22	1,46	3,78	35,1±0,25	1,64	4,66	39,1±0,19	1,28	3,27
8	2022	38,1±0,24	1,61	4,24	34,2±0,26	1,75	5,09	39,2±0,21	1,40	3,57

7-жадвалдан маълум бўлишича, 1-андоза нави сифатида олинган Наманган-77 навининг тола чиқими белгиси бўйича умумий ўртача кўрсаткичлари таҳлилдаги 7 йил давомида пастга ва баландга тебранишининг чегараси 2016 йилда 37,9 яъни энг паст ҳолатда намоён бўлган бўлса, 2019 йилда энг баланд, яъни 38,9 фоиз атрофида намоён бўлган. Ўрганилган барча йилларда эса, мана шу чегаралар орасидаги кўрсаткичлар мавжуд бўлган. 2-андоза С-6524 навининг таҳлил этилаётган белгиси бўйича кўрсаткичлари ҳам 1-андоза нави сингари тадқиқ этилган йиллар давомида белги кўрсаткичлари бўйича авлодларда кескин ўзгаришларни намоён этмаган. Лекин 2-андозада 1-андозага нисбатан ушбу белги кўрсаткичлари бўйича кескин фарқланишнинг мавжудлиги аниқланган. Андоза навларининг ҳар иккисида ҳам таҳлилдаги белгининг намоён бўлишида авлодлар бўйича кескин фарқланишнинг кузатилмаганини мазкур навлар ўзининг тола чиқими кўрсаткичлари бўйича барқарорлигини сақлаб турганлиги билан изоҳлаш мумкин. Белги бўйича ўзгарувчанлик кўламида ҳам ўртача кўрсаткичларга мос равишдаги маълумотлар мавжудлиги аниқланган.

Ўсимлик популяцияларида ҳар бир белги бўйича кўрсаткичларининг бир канча генларнинг бевосита бириккан ҳолатидаги таъсир этиши сабабли юзага келиши, янги дурагайларни жуда қисқа даврларда тўлиқ ўрганишга имконият бермаслиги, кўплаб ҳолатларда эса ҳосилдорликнинг турли шароитларга мослашувчанлиги билан уйғунлаша олмаслиги сабабли уларни ҳар йили мунтазам таҳлил қилиб бориш зарурлигини англатади.

Тола чиқимининг “ЎзФА-711” навида барқарорлигини сақлаб туриш бўйича амалга оширилган ишларининг натижаларини ўрганиш юзасидан олинган маълумотларни таҳлил қилишимиз давомида маълум бўладики, ушбу белги кўрсаткичи таҳлилдаги барча йиллар давомида бир-бирига яқин маълумотларни акс эттирган (5-расм).



5-расм. Етти авлод ўсимликларида тола чиқимининг намоён бўлиши.

ЎзФА-711 навини сўнги икки авлод ўсимликларида таҳлилдаги белги бўйича ўртача кўрсаткичлар ҳам, популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами бўйича ҳам бир-бирига жуда яқин ҳолатда пайдо бўлгани аниқланган. Ушбу натижа мазкур ғўза навининг тола чиқими белгисига кўра барқарорликни сақлаш мақсадида амалга оширилган тадқиқотларнинг самараси ижобий ҳолатда намоён бўлаётганлигини англатади.

